Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 18 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (12.877)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов — 2015

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 17 март куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.





Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, саноатни диверсификация ва модернизация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қайта кўриб чиқиш, маҳаллийлаштириш дастурларини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш каби муҳим масалалар қамраб олинган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, чет давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланган.

Тошкент шаҳри барча соҳалардаги тараққиёти, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналари, муҳташам иншоотлари, машҳур илм-фан марказлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан дунёга машҳур.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар пойтахтимиз салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини муттасил оширишда асосий омил бўлмоқда.

Меҳнат фахрийси Т.Даминов, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Н.Дадамуҳамедова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ўзгаришлар пойтахтимиз мисолида ҳам яққол ифодасини топаётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик жараёни миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида «Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича миллий ва хорижий тажриба» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олим ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларнинг муҳим шарти сифатида сайлов тизимини модернизация қилиш, сайловларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнлар ҳақида сўз юритилди. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури қандай бажарилаётганлиги билан ҳам таништирилди.

Истиқлол йилларида инсон манфаатларини тўлиқ таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадига айланди. Сайлов бўйича умумэътироф этилган халқаро принципларга мос самарали қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси бошчилигида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган мустақил тизим фаолият юритмоқда. Фуқаролар ва сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида фаол ҳамда эркин иштирок этиши, ўз сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит, моддий-техник база яратилган.

Тадбир иштирокчилари сайлов институти фуқаролар сиёсий ҳуқуқлари тизимида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, овоз бериш ҳуқуқларига эга экани, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатланган. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Ўзбекистонда Президент сайловига халқаро тамойилларга тўла мувофиқ ҳолда, юксак демократик даражада тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун барча ҳуқуқий шароитлар яратилгани қайд этилди.

С.ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ МАДРИДДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Мадридда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Испаниядаги элчихонаси томонидан «Sercobe» компанияси билан ўзаро ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Мадрид Савдо-саноат палатаси, ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган Испания компаниялари, жумладан, маиший техника, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган нуфузли корхоналарнинг вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимот доирасида унинг қатнашчилари 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим йўналишлари билан яқиндан танишдилар. Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳамда хорижлик инвесторлар учун яратилган қулай ва жозибали сармоявий муҳит ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда мамлакатимизда ташкил қилинган махсус индустриал ҳудудлар, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар ва албатта, хорижий сармоядорлар учун ташкил қилинган имтиёзларнинг кенг қамровли тизими ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбирнинг айрим иштирокчилари «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюлари чоғида бўлиб ўтган тақдимот юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Жумладан, **«Sercobe» компаниясининг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича директори Э.Родригез** Ўзбекистоннинг бугунги кунга қадар эришган иқтисодий муваффақиятларини ижобий баҳолади.

(Давоми 2-бетда)



«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида «Uzbekistan Industrial Forum — 2015» еттинчи халқаро саноат форуми бошланди.

САНОАТЧИЛАР ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтойўл» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, бошқа идора ҳамда ташкилотлар кўмагида IEG Uzbekistan кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.



Форумнинг очилишида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналари изчил модернизация қилиниб, замонавий юқори технологик ускуналар билан қайта жиҳозланаётгани ва бу мамлакатимиз саноатини барқарор ва жадал ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Халқаро форум саноат корхоналари ва илмий ташкилотлар ютуқларини намойиш қилиш, техник жорий этиш ҳамда инновация фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Бу нафақат кооперация майдони, балки ички ва ташқи бозорга янги технологиялар, замонавий асбоб-ускуна, бутловчи буюмларни таклиф этиш билан шуғулланадиган ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инвестиция ҳамда иқтисодий сиёсатнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Жорий йилги халқаро форум металлургия, металлга ишлов бериш, машинасозлик – «UzMetalMashExpo», махсус техника ва бутловчи буюмлар – «UzSpecTechExpo», тоғ-кон саноати технология ва ускуналари – «UzMiningExpo», кимё саноати, пластмасса ва полимерлар ишлаб чиқариш ҳамда уларга ишлов бериш – «UzChemPlastExpo», хавфсизлик технологиялари ва ҳимоя воситалари – «UzSecureExpo», саноатни автоматлаштириш, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот – «UzAutomationExpo» ихтисослаштирилган кўргазмаларини ўз ичига олган.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Урганчда 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи бор овоз берадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ўз конституциявий ҳуқуқидан илк маротаба фойдаланадиган ёшларга овоз бериш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

● Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида «Юртга соғлом оила ва баркамол авлод керак!» шиори остида маърифий тадбир ўтказилди.

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбир давомида 40 дан зиёд фуқарога ўз мутахассисликлари бўйича ишга кириш учун йўлланма берилди. 132 нафар коллеж битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзоланди.

● «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Ўзбекистонда инвестициявий муҳитни янада яхшилашнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирда божхона, солиқ бошқармалари масъул ходимлари, иқтисодий ҳудудда фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамкорлигида музейлар бошқарувида ўқув дастурларини амалга ошириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманида ердан, хусусан, шахсий томорқадан унумли фойдаланиш, маҳсулот етиштиришнинг агротехник қоидалари, банк кредитлари асосида қўшимча даромад олиш йўлйўриқларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Франция ғарбидаги Қуйи Нормандия минтақасида жойлашган Аржантан шаҳри яқинида Robin DR-400 русумли енгил самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида ҳаво кемаси бортидаги 4 кишининг барчаси ҳалок бўлган.

● Халқаро футбол федерацияси раҳбарияти Қатар маъмурларидан 2022 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш учун фойдаланиладиган спорт иншоотлари қурилишида банд бўлган хорижлик ишчилар ҳуқуқининг янада кучли муҳофаза қилинишини таъминлашни талаб қилди.

● Японияниг аварияга учраган «Фукусима-1» атом электр станциясидан 750 тонна радиоактив ёмғир сувининг сизиб чиққанлиги аниқланди. Радиоактив сув контейнеридаги суюқлик таркиби текширилганда радиоактив зарарлар миқдори олдингига нисбатан 30 баробар ошганлиги маълум бўлди. Айни пайтда АЭС ходимлари радиоактив сувнинг сизиб чиқишини бартараф этишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ МАДРИДДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— 2014 йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ҳажми 8,1 фоизни ташкил қилгани мамлакатнинг барқарор иқтисодий тараққиёт йўлидан бораётганини тасдиқлайди, — деди у. — Бугун бўлиб ўтган тадбир Испания компаниялари вакилларининг Ўзбекистон бозори имкониятлари, шу жумладан, мамлакатда хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар билан яқиндан танишишлари учун ажойиб имконият яратди. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Испания корхоналари билан ҳамкорликда ташкил қилинган қатор қўшма лойиҳалар муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Саноат корхоналарини технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар бу фикрнинг ёрқин мисоли бўла олади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан яратиб берилаётган қўшимча сармоявий имкониятлар Испания компанияларининг мамлакатингиз ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга бўлган қизиқиши янада кучайишига туртки бўлмоқда.

Acciona компаниясининг Шарқий Европа ва Осиё давлатлари бўйича директори Х.Фернандес ҳукумат томонидан амалга оширилаётган пухта чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилаётгани хусусида тўхталар экан, бу хорижий сармоядорларни мамлакатга жалб этаётган энг муҳим омил ҳисобланишини алоҳида таъкидлади.

— Шу боисдан ҳам «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ва «Ангрен» махсус индустриал зоналарида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш испаниялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотмоқда, — деди у.

«TORO» компанияси бош директори Ф.Алгара ўз компанияси енгил саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлишини маълум қилди.

— Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида, шунингдек, тўқимачилик саноатида ўзининг муҳим ўрнига эга бўлган мамлакат ҳисобланади, — деди компания директори. — Шу боис биз яқин истиқболда тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистонда қўшма корхона очиш масаласини муҳокама қилиш ниятидамиз. Айни пайтда бу йўналишдаги имкониятларни диққат билан ўрганмоқдамиз.

«Жаҳон» АА,
Мадрид

Сайлов — 2015

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда Президентлик сайловларининг ҳуқуқий асослари — сайлов ҳуқуқларига риоя қилишнинг кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Маълумки, сайловлар — бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқаруви ҳамда давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шаклидир.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи Суннат Шеров «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, жумладан, истиқлол йилларида мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига, илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси ва миллий тарихий анъаналаримизга ҳамда Конституциямизга мос сайлов қонунчилиги юзага келганлиги, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги, демократик ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш ва маҳаллий вакиллик органлари ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ва ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича ўзига хос самарали тизим яратилганлиги ҳақидаги фикрларни билдириб ўтди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, хусусан Учувчилар мажмуаси ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсади кўзланган ушбу учрашувда Конституциямиз миллий сайлов тизимининг фаолият юритиши ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилаётганлиги, Бош Қомусимизда хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилганлиги, бундан ташқари, мустақиллик йилларида Президент сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар тўплами шакллантирилганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам айтиб ўтилди.

— Ушбу тадбир давомида мамлакатимизда яқин кунларда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови тўғрисида керакли маълумотларни олдик, — дейди борт-кузатувчи Назокатхон Усмонходжаева. — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди қўйилган сиёсий партиялар, уларнинг сайловолди дастури ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлдик. Биз албатта фарзандларимизнинг бахтли келажаги, тинч ва осуда, фаровон ҳаёт учун ўзимиз муносиб деб билган номзод учун овоз берамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА



(Давоми. Боши 1-бетда)

САНОАТЧИЛАР ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ

Форумда Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Беларусь, Украина, Россия, Қозоғистон каби 16 давлатдан элликдан зиёд компания иштирок этаётир. Уларнинг фаолияти тоғ-кон, металлургия, энергетика тармоқларида саноат автоматика қурилмалари, айрим тарқибий қисмлар ва комплексларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда фойдаланишга топширишга қаратилган. Кенг турдаги энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва биноларнинг хавфсизлик тизимлари намойиш этилмоқда.

Форум экспозициясидан Тоғ-кон саноати учун технологиялар ва ускуналар – «UzMiningExpo – 2015» мавзуси бўйича ихтисослаштирилган кўргазмага махсус жой ажратилган. Экспозицияда Ўзбекистон саноатининг салоҳияти намойиш этилмоқда. Унда Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамияти каби йирик саноат компаниялари қатнашмоқда.

«UzMiningExpo» кўргазмаси қатнашчилари сонининг йил сайин ортиб бораётгани мамлакатимизда геология-қидирув ишлаб чиқариши ривожланиб бораётганидан яққол далолатдир. Бу галги кўргазмада турли мамлакатлар тоғ-кон саноатининг йирик ва машҳур корхоналари энг илғор ускуналарини тақдим этган. Хусусан, геологик ахборотга ишлов бериш бўйича дастурий таъминот, тоғ-бурғулаш ускуналари, йўл-қурилиш, қишлоқ хўжалиги, коммунал, аэродром-тозалаш ва бошқа махсус техникалар шулар жумласидандир.

– Форумда илк бор иштирок этмоқдамиз, – дейди Италиянинг «GTV BLAST» компанияси менежери Роберто Росси. – Компаниямиз тоғ-кон саноати, йўл қурилиши ва бошқа соҳалар учун ускуналар етказиб беради. Ўзбекистонда ушбу соҳалар жадал ривожланиб бораётгани боис муносабатларимиз истиқболли ва янада самарали бўлишига ишонаман.

Мамлакатимизнинг «JV MAN AUTO UZBEKISTAN» корхонаси экспозицияси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Корхона томонидан очиқ кон самосваллари, бетон қоригич, автокран, бурғулаш қурилмалари учун платформалар, қудуқларни цементлаш қурилмалари, шатаклар, коммунал ва бошқа техникалар намойиш этилмоқда. Соҳанинг бошқа корхоналари ҳам тоғ-кон саноатида фойдаланиладиган замонавий техника ва технологияларни тақдим этган.

Ўзбекистон металлургия саноатининг муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Негаки, ушбу соҳа иқтисодиётимизни диверсификация қилишга ҳисса қўшиб, янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилмоқда.

«UzMetalMashExpo» кўргазмаси металлургия саноати учун машиналар, саноат ускуналари, бутловчи буюмлар, деталлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар манфаатларини бирлаштиришда муҳим ўрин тутади. Экспонатлар орасида эритилган пўлат печлар, рух югуртирилган металл, токарлик, фрезерлаш, силлиқлаш ускуналари, назорат-ўлчаш приборлари, қаттиқ ва оғир қотишмалардан буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар бор.

Мухтасар айтганда, ушбу форум саноатчилар, бизнесменлар, давлат ҳокимияти органлари ва илмий доира вакилларининг ўзига хос амалий мулоқот майдонига айланиб, корхона ва ташкилотлар, инвесторлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири
Ёлқин Шамсиддинов
олган суратлар

Анжуманлар

АХБОРОТ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИСТИҚБОЛИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида ахборот ва телекоммуникация технологиялари истиқболига бағишланган илмий-техник конференция бўлиб ўтди.

Маълумки, Президентимизнинг 2015 йил 4 февралдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилган эди. Фармонда янги ташкил этилган вазирлик олдига бир қатор вазифалар қўйилиб, улардан асосийлари қилиб қуйидагилар белгиланган. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида «электрон ҳукумат»ни жорий этишда ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, ушбу соҳани яқин келажакда тараққий этган давлатлар даражасига етказиш комплекс дастурини ишлаб чиқиш, алоқа ва телекоммуникация соҳаси ишини янада ривожлантириш билан бирга радиочастоталар спектридан самарали фойдаланиш, шунингдек, Интернет тармоғининг Миллий сегментини кенгайтиришни таъминлаш; аҳолининг ахборот олишга бўлган интеллектуал талабини тўла қондириш; дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторларига алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини кенг жорий қилиш билан бирга, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратиш.

Тадбирда университет профессор-ўқитувчилари, талабалар, магистрантлари билан бир қаторда олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежларнинг ҳамда соҳа корхоналарининг вакиллари ҳам ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Анжуманда электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш, ахборот ва телекоммуникация қурилмалари ва тизимларида ахборот хавфсизлиги, оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари, телекоммуникация ва коммутация тизимлари; радиотехника, рақамли телевидение ва радиоэшиттириш, мобиль алоқа ва кенг полосали симсиз алоқа тизимлари муаммолари кенг муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференция ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Телекоммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи доцент Ю.Камолов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, профессор С.Ғуломов, Президент стипендияси соҳиби Х.Носировнинг долзарб мавзу юзасидан маърузалари тингланди.

Конференция қатнашчилари маърузаларининг тўплам шаклида нашр этилиши кўзда тутилди. Шунингдек, 2015 йилдан университет иқтидорли талабалари, магистрантлари ва ёш олимларнинг илмий мақолаларини тўпламлар кўринишида нашрга тайёрлаш таклифи қабул қилинди.

Омон АБДУАЗИЗОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети профессори

МАЛАКАЛИ ВА БИЛИМЛИ КАДРЛАР — ЮРТ ИҚБОЛИ

Тошкент молия институти ва Банк-молия академияси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда молия-кредит йўналишлари бўйича иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Банк-молия академияси ходимлари, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчилари, молия-кредит ва педагогика соҳаси мутахассислари, илмий-ходим изланувчилар ҳамда магистрлар иштирок этди.

Тошкент молия институти проректори Н.Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимиз банк-молия муассасаларида инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш, иқтисод йўналишида таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига янги педагогик технологиялар асосида дарс бериш, уларнинг салоҳиятини янада ошириш мақсадида иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда мамлакатимиз таълим тизимининг касб-ҳунар коллежлари учун иқтисодчи-педагогларни тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари, таълим технологияларини такомиллаштириш, модул тизимини жорий этишнинг долзарб масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия ва банк иши йўналишидаги иқтисодчи-педагогларга қўйилаётган талаблар бўйича қатор илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ — ЭНГ МАҚБУЛ УСУЛ ВА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 45-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга асосан 2015 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиши белгилаб берилди.

Давлат солиқ хизмати органларининг тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларни электрон ҳужжат айланиши орқали қабул қилиш бўйича интерактив давлат хизмати кўрсатишнинг асосий мақсади ва вазифаси солиқ тўловчиларга қулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Мазкур интерактив давлат хизматини кўрсатиш солиқ тўловчиларнинг сарф-харажатларини камайтиришга ва солиқ тўловчиларнинг вақтини тежашга замин яратади. Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган ахборот хизматлари сифати оширилади. Бундан ташқари солиқ тўловчи ҳамда солиқ органларининг ўзаро муносабатларида субъектив аралашувлар чекланади.

Давлат солиқ органларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кўрсатилаётган интерактив хизматларни такомиллаштириш мақсадида, корхона ва ташкилотлардан тушаётган таклифлар инобатга олинган ҳолда камчиликларни тузатиш юзасидан дастурий маҳсулларга ўзгартиришлар киритиб бориш йўлга қўйилган.

Солиқ тўловчиларга замон талабларидан келиб чиқиб, қулайликлар яратилмоқда.

Бугун солиқ тўловчилар солиққа оид масалалар бўйича бирон-бир тушунмовчиликка дуч келсалар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг сайти — www.soliq.uz орқали интерфаол хизматлардан фойдаланиб, соҳага оид ҳар қандай саволга жавоб топишлари мумкин.

Ўзининг саволи ёки мурожаатига жавоб тополмаган фуқаролар эса сайтдаги «Электрон қабулхона»га кириб, унга зарур маълумотларни киритсалар, «Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси» очилади. Шунга асосан аниқ вақтда улар учун тегишли раҳбар ёки мутахассис билан учрашув ташкил этилади.

Мазкур хизматдан смартфонлар учун мўлжалланган «SOLIQ» мобиль иловаси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

«SOLIQ» мобиль иловаси ўзбек ва рус тилларида яратилган бўлиб, у орқали «СТИРингизни аниқланг», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Сизнинг солиқ хизматингиз», «Солиқ қарзини аниқланг», «ККС тўловчи», «Кўп учрайдиган саволлар», «Мурожаатлар ҳақида маълумот олиш», «Солиқ низоларини кўриб чиқиш», «Кичик бизнес тоифасига мансублигини аниқлаш», «Сўровнома», «Имтиёз маълумотномаси», «Электрон қабулхона», «Текширишлар режа-жадвали», «Ўз бизнесингни ярат» каби интерактив хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Жорий йилдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан «Click» ва «Mbank» тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш мумкин. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланишда қўшимча пул олинмайди. Тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган Online-UZCARD пластик карталардан фойдаланиш мумкин.

Бундай имкониятлар аҳоли ва тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежаш, оворагарчиликларнинг олдини олиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Ф. УРМАНОВ,
Сергели тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Ўлкамизда Наврўз нафаси



Пойтахтимизда «Миллий-маънавий ва тарихий меросга ҳурмат, ўзликни англаш – Наврўз миллий қадриятларимиз бешиги» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЕШИГИ

Тадбир Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Адлия вазирликлари, республика ва ҳудудий ННТ вакиллари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутахассислари, Миробод туманида жойлашган маҳаллалар оқсоқоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда саккиз мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Жамиятимизнинг ижтимоий фаол қисмига айланиб бораётган ННТлар миллий қадриятларимизни мустаҳкамлашга, урф-одатларимизни кенг тарғиб қилишга доир кўпгина илмий-амалий тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам ўрнини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад миллий ва анъанавий қадриятларни эъзозлаш, ёшлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, улар онгида жамиятимизда тинчлик, миллатлараро тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган нуроний кексаларга ҳурмат кўрсатиш, муносиб эътибор қаратишни сингдириш, шу билан бирга, ҳалқимизга хос бўлган эзгу фазилатларни янада юксалтириш, аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий-маънавий бойлигимизни қадрлаш, маҳаллаларда ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишдан иборатдир.

Маърифий тадбир давомида давра суҳбати ташкил этилиб, ташкилотчилар ННТлар номидан барча соҳа вакилларини, нуроний отахон-онахонлар ҳамда иштирокчиларни табриклаб, Кексаларни эъзозлаш йилида ҳар бир оилага қут-барака тилашди. Ватан, Наврўз, баҳор, меҳр-муҳаббат ҳақидаги қуй-қўшиқлар янгради. Шу билан бирга баҳс ва мулоқотлар ўтказилиб, байрам дастури, турли акциялар ҳамда сумалак сайли ташкил этилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Тадбирлар

БАҲОР СОҒИНЧИ

Куни кеча Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида «Ассалом, Наврўз» мавзусида тадбир ўтказилди.

Ушбу адабий кеча «Ватанпарварлик» тўгарагининг 2 йиллик сарҳисобига уланиб кетди. Унда туман «Нуроний» жамғармаси, туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Сергели туман «Ватанпарвар» ташкилоти Ўқув спорт-техника клуби ва бошқа ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрдилар. «Ассалом, Наврўз» шиори остидаги байрам дастурида 589-мактабгача таълим муассасасининг «Нафосат», 300-мактабнинг «Гимнастрада», «Нафис» гуруҳлари ва чолғучилар ансамбллари аъзоларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Меҳрибону РАВШАНОВА,
300-ДИУ мактабининг
8-«А» синф ўқувчиси

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юртлари битирувчиларини бирон бир касбга йўналтириш, ўз иш фаолиятини бошлашларида уларга яқиндан ёрдам бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ташкил этилган «Битирувчи – 2015» тадбири ҳам институтнинг 2014-2015 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш мақсадида иш берувчилар иштирокида ўтказилди. Айтиш жоизки, Тошкент архитектура-қурилиш институти Республиканинг архитектура-қурилиш таълим йўналишлари бўйича таянч ўқув муассасаси бўлиб, олий таълимнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида олий таълим вазифаларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Институтда «Архитектура», «Бино ва иншоотлар қурилиши», «Инженерлик сервиси» ва «Қурилишни бошқариш» факультетлари, шунингдек, Бизнес мактаб, Қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, халқаро алоқалар бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Факультетларда бакалавриатнинг 16 та таълим йўналиши ва магистратуранинг 20 та мутахассислиги бўйича талабаларни тайёрлаш бўйича фаолият олиб борилмоқда. Ўқув жараёнида талабалар чуқур назарий билимлар ва илмий-амалий маслаҳатлар олиш имкониятига эга. Институт мутахассислари қурилиш конструкцияларини, жамоат ва турар жой биноларини лойиҳалаш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини аниқлаш, техноген чиқиндилар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар қабул қилади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида давлат грантлари асосида мақсадли тайёрланган кадрларни таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимлаш вазифалари ижросини самарали таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур анжуманни ўтказишдан мақсад бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлашда эришилган ютуқлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг кадрлар сифатига бўлган талаб ва таклифларини таҳлил қилиш ҳамда битирувчи ёш мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятидан иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида унумли фойдаланиш мақсадида уларни иш билан таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир. Анжуманда 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашди, унда битирувчи мутахассис-кадрларга бўлган талаблар ҳақидаги маърузалар тингланди ҳамда битирувчилар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

— Ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасини биз битирувчилар учун катта имконият деб айтиш мумкин, — дейди институт битирувчиси Сурайё Абдалниязова. — Корхоналар томонидан тақдим этилган иш ўринлари билан танишиб чиқдик ва ўзимизни қизиқтирган маълумотларга эга бўлдик. Йўл қурилиш лойиҳалари бўйича таклифлар менда қизиқиш уйғотди. Бу каби ярмаркалар ишга жойлашишда яна бир имконият демакдир. Ишлаб чиқариш корхоналари вакилларининг маърузалари биз битирувчиларга кўплаб маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Битирувчилар иш жойлари ҳақида ҳамда битирувчиларнинг билим-кўникмаларига бўлган талаблари ҳақида тўлиқ маълумот олдилар.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2015-2016 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида:

— 2015 йилнинг 23 мартдан 27 мартгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегаралаш билан иссиқлик тармоқлари юқори ҳароратда синовдан ўтказилади;

— 2015 йил 30 мартдан 1 апрелгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегаралаш билан иситиш тармоқларида иссиқлик йўқотилиши синовдан ўтказилади;

— 2015 йилнинг 2 апрелдан 24 апрелгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва зичлилиги (юқори босим) синовдан ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)

25 март-юқори ҳарорат — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Осиё, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент кўчалари, Ш.Бурхонов, Феруза, Темур Малик кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Феруза, БЎЗ-1,2 турар жой мавзелари, ТошГРЭС посёлкаси, Ҳамид Олимжон майдони.

1-ИМ (М-1,4)

14 апрель-босим билан текшириш (опрессовка) — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Осиё, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Лабзак, Баҳор, Қорақамиш, Зиё, 1-Қорақамиш кўчалари, М-1,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2,2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)

27 март-юқори ҳарорат 16 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод мавзеси 1÷19 даҳалари.

5-ИМ (М-0,4)

24 март- юқори ҳарорат

30 мартдан 1 апрелгача - иссиқлик йўқотилишини,

9 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Чилонзор мавзеси 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, Ц, 20А даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий – 1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин кўчалари.

6-ИМ

6 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлиқ – 1÷7, Қўйлиқ – Айланма турар жой мавзелари.

7-ИМ

8 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон узун кўчаси, Тузел-1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод – 1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

8-ИМ

13 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Сергели 1÷8А, Йўлдош – 8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ

2 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Чилонзор мавзеси 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30,31 даҳалари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Фозилтепа кўчалари.

10-ИМ

15 апрель — босим билан текшириш (опрессовка) — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, 1-Қорақамиш, Шифокорлар 2-кўчаси кўчалари, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш – 2/3, 2/4, Бешқўрғон – 1,2,3,4, Қамарнисо, НУУз – ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа даҳаси, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)

24 апрель - босим билан текшириш (опрессовка) — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор мавзеси 1÷5, Е, И даҳалари, М-7 турар жой мавзелари.

ИЭМ (М-5,8)

10 апрель - босим билан текшириш (опрессовка) — Амир Темур шоҳ кўчаси, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумариқ, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Ҳайдар Алиев, А.Қаххор, Олтин водий кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5,7 турар жой мавзелари.

«Водник» қозонхонаси

6 апрель - босим билан текшириш (опрессовка) — «Сувсоз» турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

«ТТЗ»-қозонхонаси

23 март – юқори ҳарорат, 8 апрель - босим билан текшириш (опрессовка) — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари доирасида, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.

«Саноатэнерго» қозонхонаси

26 март-юқори ҳарорат, 3 апрель-босим билан текшириш (опрессовка) — «Қурувчи» турар жой мавзеси.

«Саноатэнерго» қозонхонаси таъсир доирасида 3 апрель куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз, 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ режали баҳорги тўхтатиш мўлжалланмоқда.

1- ИМ	«Шимоли-Шарқий»	20 апрелдан 24 апрелгача
2- ИМ	«Қорасув»	27 апрелдан 1 майгача
3- ИМ	«Ғарбий»	13 апрелдан 17 апрелгача
4- ИМ	«Шимолий»	6 апрелдан 10 апрелгача
5- ИМ	«Чилонзор»	27 апрелдан 1 майгача
6- ИМ	«Жануби-Ғарбий»	13 апрелдан 17 апрелгача
7- ИМ	«Авиасозлар»	27 апрелдан 1 майгача
8- ИМ	«Сергели»	20 апрелдан 24 апрелгача
9- ИМ	«Янги-Чилонзор»	6 апрелдан 10 апрелгача
10-ИМ	«Шимоли-Ғарбий»	20 апрелдан 24 апрелгача
«Водник»		20 апрелдан 24 апрелгача
«ТТЗ»		13 апрелдан 17 апрелгача
«Саноатэнерго»		6 апрелдан 10 апрелгача
ТошИЭМ М-5		4 майдан 8 майгача

ТошИЭМ М-5 иссиқлик манбаси таъсир доирасида, қуйида келтирилган манзиллар бўйича иссиқ сув таъминоти бўлмайди:

ИЭМ (М-5)

4 майдан 8 майгача — Амир Темур шоҳ кўчаси, Афросиёб, Глинка, Я.Ғуломов, С.Азимов, Саид Барака, Элбек, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Бобур, А.Қаххор кўчалари, М-1,2,4,5 турар жой мавзелари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Симпозиумлар саройи ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасини ўз бағрига олган «Маърифат маркази» мажмуаси қайси йили фойдаланишга топширилган?

ЧЕТ ТИЛЛАР ЎҚИТИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун чет тилларини ўқитилишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши, юртимиздаги умумтаълим мактабларида чет тили фанини ўқитиш тизимини тубдан ўзгартириб, соҳада кенг кўламли ислоҳотларнинг бошланишига имкон яратди.

Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув муассасаларини дунё стандартларига жавоб берадиган ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

2013-2014 йилдан инглиз тилини ўрганиш мактабларнинг биринчи синфларида оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан иборат тарзда босқичма-босқич олиб борилди. Жумладан, барча умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлар хоналари ўқув адабиётлари, луғатлар ва DVD магнитолалар билан таъминланди.

Ўтган йилнинг 13 январидан 20 мартига қадар иккинчи синфлар учун чет тилларда яратилган дарслик қўлланмалари инглиз тилидан 80 та, немис тилидан 28 та ва француз тилидан 28 та таянч мактабларда тажриба-синовдан ўтказилди.

Қайд этиш жоизки, иккинчи синф ўқувчилари учун яратилган «Kid's English» дарслик мажмуаси тажриба синовлари 2013 йилда экспериментатор-ўқитувчилар томонидан ўтказилган. Муҳими, дарс жараёнига жорий этилган инглиз тилидаги видео дастурлар, ранг-баранг расмлар, қўшиқ ва шеърлар болаларга тушунарли ва қизиқарли бўлмоқда. Бошланғич синф ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида чет тили тўгаракларига жалб этилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилини ўргатиш бўйича 194 та таянч мактаблари танлаб олинган. Ушбу ўқув муассасаларида тажрибали мутахассислар томонидан тажриба-синов сифатида ихтисослаштирилган синфларда дарслар чуқурлаштирилган тарзда ўтилмоқда.

Жумладан, чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида «Маҳорат мактаблари» фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Жорий ўқув йилида мактабларда 27 минг 342 нафар чет тили ўқитувчиси фаолият юритмоқда. 2015 йилдан бошлаб қўшимча равишда ҳафтада бир марталик узлуксиз малака ошириш курслари йўлга қўйилди. Доимий ишлайдиган ушбу курсларда 20 минг нафар ўқитувчилар қамраб олинди.

Чет тиллари ўқитилишини такомиллаштиришга қаратилган қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенг педагогик жамоага етказиш, жойларда белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш, шунингдек, чет тили ўқитувчиларига амалий-методик ёрдам кўрсатишга мўлжалланган «Видео-методик-хизмат» йўлга қўйилган.

Тадбир доирасида иштирокчилар ўқитувчиларнинг малака ошириш, чет тилларнинг биринчи, иккинчи синфларда ўқитилиши билан бирга учинчи синф учун яратилган янги дарсликларнинг тажриба-синовдан ўтказилиш жараёни, инглиз тили бўйича фан тўгараклари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТ ХАЛҚАРО ТУРНИР МЕЗБОНИ

Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида ITF туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнир бошланди. Мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан олтмишдан зиёд ўғил-қиз ғолиблик учун баҳслашмоқда.

• Мусобақада мамлакатимиз шарафини Жўрабек Каримов, Ҳумоюн Султонов, Ҳумоюн Абдумаликов, Аҳад Эрматов, Шаробиддин Абзалов, Саидаъло Саидкаримов, Гўзал Юсупова, Сарвиноз Саидхўжаева, Шаҳноза Хаматова, Лайло Баҳодирова каби ёш теннисчилар якқалик ва жуфтлик баҳсларида ҳимоя қилмоқда.

Асосий тўр баҳсларининг биринчи давраси да истеъдодли теннисчимиз Жўрабек Каримов россиялик Никита Валенцьевни 6:1, 6:2 ҳисобида енган бўлса, Ҳумоюн Султонов яна бир россиялик Лев Казаковни 6:3, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шаробиддин Абзалов АҚШ вакили Олукаёде Айенини 7:6, 7:5 ҳисобида, Саидаъло Саидкаримов россиялик Николай Колобаевни 3:6, 6:0, 6:2 ҳисобида енгди. Қизлардан Лайло Баҳодирова Виктория Ковалева (Россия) устидан 6:4, 6:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Халқаро турнир давом этмоқда.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

Пойтахтимиздаги Гимнастика федерацияси залида спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўз якунига етди. Беллашувларда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ёш истеъдод эгалари ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР БАҲСИ

Турнирнинг кўпкураш баҳсларида иштирок этган спортчилар орасида Фарғона вилояти вакили Расул Абдураҳимов барча рақибларидан кўп балл тўплаб, шоҳсупанинг биринчи поғонасидан жой олди. Нанкин Олимпиадасининг бронза медали соҳиби Тимур Қодиров (Тошкент шаҳри) иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, яна бир пойтахтлик гимнастикачи Элёр Исломов бронза медали билан кучли учликни якунлаб берди.

– Мусобақа жуда қизиқарли ўтди. Юртимизнинг турли вилоятларидан қатнашган кучли спортчилар билан беллашиб ғолиб бўлганимдан хурсандман, – дейди мусобақанинг кўпкураш баҳслари ғолиби Расул Абдураҳимов. – Келгусида Осиё ва жаҳон чемпионатларида қатнашиб ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Спорт усталигига номзод спортчилар ўртасида кечган баҳсларда биринчи ўринни Фарғона вилояти спортчиси – Бекзод Собиров эгаллади. Иккинчи ўрин Артём Филипповга (Тошкент) насиб этган бўлса, Самарқанд вилояти спортчиси Бобур Тошпўлатов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, кичик ёшдаги биринчи ва иккинчи тоифали гимнастларнинг чиқишлари барчанинг эътиборини ўзига тортди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ўсмирлар ва катталар ўртасида триатлон бўйича шаҳар биринчилиги ва чемпионатнинг биринчи босқичи ташкил этилди.

«Ватанпарвар»

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Биринчиликнинг биринчи босқичида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели, Шайхонтоҳур туманларининг Ўқув спорт-техника клублари, «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси ва Яшнобод туманидаги 35-махсус болалар спорт мактаби триатлончи спортчилари қатнашди.

Ўтказилган мусобақада 18 ёшли ва ундан катта ёшдаги спортчилар сузиш бўйича 750 метр, велопойгада 20 км ва югуришда 5 км масофада беллашишди. Бу ёшдаги спортчилар орасида биринчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели тумани Ўқув спорт-техник клуби спортчиси Ибрагим Ҳамраев, иккинчи ўринни унинг жамоадоши Александр Куришов ва учинчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг Шайхонтоҳур тумани Ўқув спорт-техник клуби вакили Умид Якшибаев эгаллашди.

Худди шу ёш тоифасидаги спортчи қизлар ҳам сузиш, велопойга ва югуриш бўйича маҳоратларини намоён этишди. Спортчи қизлар орасида мусобақада биринчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели тумани Ўқув спорт-техник клуби спортчиси Ольга Дробишева, иккинчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси спортчиси Ангелина Скалазубова ва учинчи ўринни унинг жамоадоши Ирода Исламова эгаллашди.

— Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти спортнинг техник ва амалий турларини ёшлар ўртасида ривожлантириш, спортчиларимизнинг бу борада эришаётган ютуқлари билан уларда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратиб келаётганини таъкидлаш жоиз, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси директори ўринбосари Жаҳонгир Туляшев. — Ташкилот ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан бири келажагимиз бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан уларда инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга ва эзгу ишлар сари йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, 1998 — 2000 йилларда туғилган ўсмирлар, 2001 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги ўғил ва қиз болалар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада ҳам ғолиблар аниқланди.

Чемпионатнинг умумжамоалар ўртасидаги беллашувида биринчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг Шайхонтоҳур Ўқув спорт-техник клуби триатлончилар жамоаси, иккинчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси спортчилари ва учинчи ўринни «Ватанпарвар» ташкилотининг Сергели Ўқув спорт-техник клуби жамоалари эгаллашди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорлари «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг медаль ва дипломлари билан тақдирландилар.

Замира РАҲМОНОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

«Шаҳардан ташқари Қайнарсой қароргоҳининг биноларини реконструкция қилиш» (8-сонли коттежни реконструкция қилиш)

объекти бўйича танлов савдоси (тендер)

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи:	**1 102 561 771 сўм ҚҚС билан** **918 801 476 сўм ҚҚС сиз**
Курилиш муддати:	**8 ой.**

Лойиҳани молиялаштириш: Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ташкилотчиси: Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази.

Танлов савдоларига фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат этилади.

Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 % дан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдоларда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш зарур: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи —100 000 (бир юз минг) сўм. Савдо ташкилотчисига оферталарни тақдим этишнинг сўнгги муддати оферталарни очиш куни ва соатигача.

Оферталарни очиш қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси (собиқ Моваройннаҳр кўчаси), 3-уй, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, эълон чоп этилгандан сўнг 30 кундан кам бўлмаган муддатда.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***19 март*** *куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол есади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илиқ, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***19 мартда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Топшириш вақти: 13.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 16.30

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ